

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI**338** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати тузилмасини янада оптималлаштириш ва замонавий талабларга мувофиқ унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, илмий ва кадрлар салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кучайтиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмасини иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисида таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг штатлар жадвалига ва харажатлар сметасига ушбу қарордан келиб чиқувчи тегишли ўзгартиришлар киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Белгилансинки, 2016 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб муассасаларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадваллари Молия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади, муассасалар харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги орқали тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига, зарурият бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва самарали ривожланишини таъминлаш тўғрисида» 2000 йил 9 июндаги 223-сон қарорида:

1-банддаги «ва тузилмаси 1 ва 2-иловаларга» сўзлари «иловага» сўзи билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «1-илова» сўзлари «илова» сўзи билан алмаштирилсин;

2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

338-модда

— 8 —

28 (736)-сон

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 11 июль,
232-сон

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган умумий сони (ёрдამчи ходимлардан ташқари) 18 штат бирлиги, шу жумладан бошқарув ходимлари 18 штат бирлиги.

Ёрдამчи ходимлар сони қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича белгиланади.